



СОЛИҚ НАЗОРАТИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ

Нурматов Шерзод Рустамович -

*Тошкент давлат иқтисодийёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодийётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари» илмий-
тадқиқот маркази мустақил изланувчиси*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a37

Аннотация. Мақолада солиқ назоратининг назарий асослари бўйича иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилган. Солиқ текширувлари турлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва сабабчи омиллар таҳлил қилинган ҳамда хулоса-таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ назорати, солиқ текширувлари, солиқ мониторинги, камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити.

НАЛОГОВЫЙ КОНТРОЛЬ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПРАКТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Нурматов Шерзод Рустамович -

*Независимый научный сотрудник научно-
исследовательского центра «Научные основы и
проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентском государственном экономическом университете*

Аннотация. В статье рассматриваются исследования экономистов по теоретическим основам налогового контроля. Проведены исследования видов налоговых проверок, проанализированы соответствующие факторы и сформулированы выводы и предложения.

Ключевые слова: налог, налоговый контроль, налоговые проверки, налоговый мониторинг, камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговая проверка.

TAX CONTROL: THEORETICAL FOUNDATIONS AND PRACTICAL ANALYSIS

Nurmatov Sherzod Rustamovich -

*Independent researcher of the research center
"Scientific foundations and problems of the
development of the economy of Uzbekistan" under
the Tashkent State University of Economics*

Abstract. The article examines the researches of economists on the theoretical foundations of tax control. Researches on the types of tax audits were carried out, relevant factors were analyzed and conclusions and proposals were formulated.

Key words: tax, tax control, tax inspections, tax monitoring, camera tax inspection, mobile tax inspection, tax audit.

Кириш. Солиқ тўловчилар ва ҳукуматлар, одатда, солиқ соҳасида турли мақсадларга эга. Бир томондан, солиқ тўловчилар имкон қадар камроқ солиқ тўлашни хоҳлашади, аммо одатда, ҳукуматларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Солиқ тўловчилар учун солиқлар оғир юк ҳисобланади. Ҳукуматлар ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда ва улар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш орқали солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилигига риоя қилишга ундашга ҳаракат қилади. Солиқ қоидаларига риоя қилмаслик молиявий йўқотишлар ва жарималарга олиб келади, шунингдек, ҳар қандай ташкилот обрўсига путур еткази. Бу эса ўз навбатида, солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларни ўз солиқ мажбуриятларини бажаришга ундайди ҳамда бу вазифани солиқ назорати таъминлайди.

Дунё мамлакатлари рақамли иқтисодийётга ўтаётган шароитда солиқ назорати солиқ тў-

ловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослаш кўшимча солиқлар, жарималар ва пенялар шаклида бюджетга кўшимча тўловларни ундириш имконини берувчи ҳамда бу орқали солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ёки минималлаштиришни таъминлайдиган турли рақамли ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва қўллашга асосланади.

Адабиётлар таҳлили. Солиқ назоратига меъёрий ҳужжатлар ва илмий тадқиқот ишларида турли мазмунда таърифлар берилган ёки эътироф этилган.

Солиқ назоратининг аҳамиятини Э.Н.Голик ва А.Г.Асатрян ўз тадқиқотларида қуйидагича эътироф этишган: "Сўнгги йилларда солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг асосий мақсадини кўзловчи турли "кулранг" схемаларни амалий қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу

муаммони ҳал қилиш солиқ назоратини амалга ошириш орқали таъминланади, у давлат томонидан тартибга солишнинг шакллари ва усуллари тизими сифатида ишлайди ва Россия хавфсизлигини нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий характердаги чора-тадбирлар орқали таъминлайди” [1].

А.С.Адвокатова солиқ назоратига қуйдагича таъриф берган: “Солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўлларни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширишдир” [2].

Т.А.Ефремованинг ёзишича, “самарали солиқ назоратини ташкил этишнинг биринчи навбатдаги шарти эса солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этишнинг замонавий илғор ахборот-технологик тизимга асосланган солиқ назорати ҳисобланади” [3].

Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 82-моддасида солиқ назорати қуйидагича эътироф этилган: “Ушбу Кодекс билан белгиланган ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назорати деб эътироф этилади” [4].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддасида солиқ назоратига таъриф берилмаса-да, у қуйидагича эътироф этилган: “Ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир” [5].

“Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади” [6].

Л.И.Гончаренко ва бошқаларнинг фикрича, Солиқ назорати учун рақамли технологиялардан фойдаланиш мақсадлари қуйидагилар:

- 1) солиқ тўловчиларнинг йўқотишларини камайтириш;
- 2) солиқ назорати тизимининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш;
- 3) қулай солиқ муҳитини яратиш мақсадида модернизация қилиш;
- 4) таҳлилий аппаратни такомиллаштириш [7].

Ф.И.Исаев ўзининг илмий тадқиқотларида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Бугунги иқтисодий ислохотлар ва бозор иқтисодиётига

ўтишнинг жадалашган даврида таҳлика-таҳлил дастурининг афзаллиги олиб борилаётган текширувлар мобайнида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқилган мезонлар асосида хавфлилик даражасини аниқлаб, солиқ органлари томонидан уларнинг фаолияти хусусида тўғри қарор қабул қилиш имконини беради ва ҳукумат томонидан қўйилаётган муҳим талаб: тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилувчи турли хил солиқ текширувларини камайтириб, хавфлилик даражаси ўрта ва юқори бўлган ҳолатларда солиқ текширувларининг (камерал текширув, сайёр текширув, солиқ аудити) тўғри ўтказилишини таъминлайди” [8].

С.А.Назаров солиқ назоратига таъриф бермаса-да, солиқ текшируви турларини келтириб ўтган: “Бизнинг фикримизча, камерал солиқ текшируви ва сайёр солиқ текшируви қуйидагича баён қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, яъни:

“Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ва унинг фаолияти тўғрисидаги мавжуд бошқа ахборотлар асосида солиқ органи томонидан қонунчиликка мувофиқ ўтказиладиган текширув жараёнидир”.

“Сайёр солиқ текшируви солиқ органлари томонидан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш соҳасида солиқ тўловчиларнинг айрим мажбуриятларини, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажариш бўйича ўтказиладиган текширув бўлиб, унда ҳисобга олиш ҳужжатларининг, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатининг, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг таҳлили ўтказилади” [9].

Н.А.Филиппова ва Д.Ю.Макевнина кенг маънода солиқ назоратини Россия Федерациясининг самарали молиявий сиёсати ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва давлатнинг қонуний талаблари ўртасидаги мувозанатга эришишга қаратилган давлат томонидан тартибга солиш чоралари тизимининг ажралмас қисми сифатида белгилайди [10].

Ф.А. Акрамовнинг ёзишича, мамлакатимизда молиявий назоратни халқаро амалиётга яқинлаштириш, молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларига мослаштириш борасида ишлар фаол олиб борилмоқда. Солиқ назорати жаҳон амалиётида ҳам, мамлакатимизда ҳам молиявий назорат турларидан бири ҳисобланади [11].

Н.Н.Шестакованинг ёзишича: “Солиқ назорати солиқ интизомига риоя этилишини текшириш, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг энг кўп сонини аниқлаш ва уларга чора кўриш

имконини берувчи усулларни ўз ичига олган солиқ қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг махсус, ихтисослаштирилган ҳаракатлари мажмуидир” [12].

Г.Г.Безруковнинг қарашича: “Солиқ назорати деганда, ваколатли органларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини замонавий иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий усуллардан, шу жумладан, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда назорат қилиш бўйича самарали фаолияти тушунилиши керак. Россия Федерациясининг солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан юкланган мажбуриятларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун назорат қилинадиган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тартибга солинади” [13].

Бизнинг фикримизча, Г.Г.Безруков томонидан солиқ назоратига берилган таъриф солиқ назоратининг моҳиятини тўлиқ очиб берган.

Ж.Эгерт ва бошқаларнинг фикрича: “Солиқ назорати тизими солиқ таваккалчилигини бошқаришни қўллаб-қувватлайдиган ва солиққа риоя қилишни таъминлайдиган тузилмадир. У солиқнинг бизнесда қандай ишлашини кўрсатадиган қурилиш блоклари, яъни солиқ стратегияси, солиқ сиёсати ва солиққа оид роль ва мажбуриятларни ўз ичига олади” [14].

Тадқиқот методологияси. Мақолада солиқ назорати бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, индукция, дедукция, илмий абстракция ва таққослама таҳлиллар, диаграммалар асосида илмий натижалар олинган.

Таҳлил ва натижалар. Солиқ назорати молиявий назоратнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 170-моддасида молиявий назорат қуйидагича эътироф этилган: “Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг молиявий назорат объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек, бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади” [15]. Ушбу кодекснинг 171-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органларидир.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади” [15] деб эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизими 1-расмда келтирилган.




1-расм. Ўзбекистон Республикаси молиявий назорат тизими

Солиқ назорати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг тегишли органлари томонидан олиб борилади.

Солиқ назоратининг моҳияти унинг функцияларида ўз аксини топади (2-расм). Бизнинг фикримизча, солиқ назоратининг функциялари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- фискал функцияси, яъни бюджетга қўшимча маблағ тушириш;
- солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлашдан қочишининг олдини олиш;
- тартибга солиш;
- тезкор-ҳимоя функцияси;
- назорат функцияси;
- тўлов қобилияти йўқ солиқ тўловчиларни аниқлаш ва рўйхатдан чиқариш.



2-расм. Солиқ назоратининг функциялари

Ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ назоратини ўтказиш усуллари замонавий тус олиши лозим. Солиқ назорати рақамли технологияларга асосланган солиқ назоратининг янги шакллари амалга ошириш ҳамда барча солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектлари учун ягона маълумотлар базасини шакллантириш бўйича бошқа вазифалар ҳам белгиланди, бу эса солиқнинг янги функциясининг пайдо бўлишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Рақамли технологияларга асосланган солиқ назорати-

нинг тизими: назорат аналитик ва рақамли бўлади, деган фикрдамиз.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, солиқ назорати соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар солиқлар ва йиғимларни ундириш даражасини ошириш, юқори солиқ маданиятини шакллантириш ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида солиқ назоратининг мавжуд шакллари ва турлари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Солиқ назоратининг шакллари ва турлари

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 136-моддасида: “Солиқ органлари солиқ назоратини солиқ текширувлари ва солиқ мониторинги шаклида амалга оширади”, – деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Солиқ кодексининг 137-моддасида Солиқ органлари солиқ текширувларини камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити турлари бўйича ўтказиши белгилаб қўйилган.

Юқорида солиқ назорати тушунчасининг моҳияти ва унга оид тушунчаларни кўриб чиққанимиз сабабли мавзу доирасида солиқ назоратининг шаклларига бироз тўхталиб ўтсак. Аввало, биринчи шакли – солиқ текширувига тўхталганимизда, шуни таъкидлаш керакки, солиқ маъмурияти солиқ текширувини тасодифий равишда ёки бизнеснинг маълум бир соҳасида ёки маълум бир операцияда мумкин бўлган солиқ хавфини тан олганлиги сабабли бошлаши

мумкин. Солиқ текшируви солиқ назоратининг махсус шакли бўлиб, унда солиқ органлари солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоби ишончилиги ва тўғрилигини текширади, солиқ тўловчининг умумий солиқ талабларига риоя қилганлигини ва барча маълумотларни ўз вақтида тўғри тақдим этганлигини текширади. Амалда солиқ текшируви ягона солиқ тўловчига қаратилган солиқ назоратининг энг чуқур шакли ҳисобланади. Солиқ текширувининг мақсади солиқ тўловчи томонидан солиқни ҳисоблаш учун тегишли ва тўғри маълумотлар тақдим этилганлигини таъминлашдир. Шу билан бирга, солиқ текшируви солиқ органлари олдида ҳисобкитобларни тўғри тақдим этишга ёрдам беради. У бухгалтерия ҳисоби тизимидаги камчиликларни аниқлайди ва уни яхшилаш бўйича таклифлар киритиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарорига 2-илова “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” низомда солиқ текширувлари бўйича “солиқ текшируви солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади” [16] деб таъ-

кидланган ҳамда солиқ текширувларининг ҳар бир тури бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, бугунги кунда солиқ органлари томонидан олиб борилаётган солиқ текширувлари жараёни учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат сифатида эътироф этилади.

Солиқ мониторинги бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сонли қарорига 1-илова “Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом”да “солиқ органлари томонидан олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида беш миллиард сўмни ташкил этган юридик шахсларда солиқ мониторингини ўтказиш тартибини белгилайди” [17] деб белгилаб қуйилган. Шунингдек, ушбу низомда “Солиқ органининг ваколатли мансабдор шахслари ва солиқ тўловчи солиқ мониторинги иштирокчилари ҳисобланади. Солиқ мониторинги солиқ тўловчига нисбатан ихтиёрий бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар давлат солиқ бошқармалари томонидан, йирик солиқ тўловчиларга нисбатан эса Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтказилади” деб асослантирилган.

1-жадвал

2022 йил давомида амалга оширилган таҳлиллар асосида ўтказилган солиқ назорати тадбирлари натижалари тўғрисида маълумот [18], млрд. сўм

Йўналиш	Сони	Суммаси	Текширишда аниқланган сумма (қўшимча ҳисобланган)	Асослантирилган (тасдиғини топмаган)	Текшириш якунланиб, қарор қабул қилиш жараёнида
Жами:	10387	3140,0	1 973,0	1 693,4	181,5
Камерал солиқ текширувлари	10242	2547,4	1 216,4	1 223,6	181,5
Солиқ аудити	145	592,6	756,7	469,8	0,0

1-жадвалда давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2022 йил давомида амалга оширилган таҳлиллар асосида ўтказилган солиқ назорати тадбирлари натижалари тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, жами тафовут аниқланган корхоналар сони 10387 тани ташкил этган. Олиб борилган текширувларда 10242 таси камерал солиқ текширувлари ва 145 таси солиқ аудитларига тўғри келган бўлса, 3140,0 млрд. сўм камомад аниқланган. Ўтказилган назорат тадбирлари якуни билан тақдим қилинган хавф суммаси текшириш давомида аниқланган сумма 1973,0 млрд. сўм бўлса, шундан сегмент таҳлили бўйича ҳисоблангани 1265,2 млрд. сўмни, текширишда қўшимча аниқлангани 707,9 млрд. сўмни ташкил этган.

Солиқ назорати тадбири асосида ўтказилган таҳлилларнинг улушида кўрадиган бўлсак, тафовутда аниқланган суммаларнинг 1 216,4

млрд. сўми камерал солиқ текширувлари натижасида, 756,7 млрд. сўми солиқ аудити давомида аниқланганини кўришимиз мумкин.

Энди биз қуйида солиқ текширувларининг турлари бўйича таҳлилларни кўриб чиқсак. Аввало, камерал солиқ текширувининг 2020-2022 йиллардаги ҳолатини таҳлил қилсак (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2020-2022 йилларда ҳудудлар бўйича ўтказилган текширувлар сони ва ундирилган суммалар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Хусусан, 2020 йилда текширувлар сони 45328 та ва ундирилган сумма 5 637,5 млрд. сўм, 2021 йилда текширувлар сони 84 171 та ва ундирилган сумма 4 566,0 млрд. сўм, 2022 йилда эса 38 963 та текширув ўтказилиб, 4 674,3 млрд. сўм ундирилган.

2020-2022 йиллар давомида ўтказилган камерал солиқ текширувлари таҳлили [18], млрд. сўм

№	Худудлар	2020 йил		2021 йил		2022 йил	
		Текширувлар сони	Ундирилган сумма	Текширувлар сони	Ундирилган сумма	Текширувлар сони	Ундирилган сумма
1.	Қорақалпоғистон Рес.	1 326	62,3	3 718	11,3	1 158	71,8
2.	Андижон вилояти	2 913	79,9	6 187	75,6	3 098	112,3
3.	Бухоро вилояти	2 949	110,9	6 154	37,6	3 327	239,6
4.	Жиззах вилояти	2 098	38,7	2 546	20,7	1 105	60,8
5.	Қашқадарё вилояти	2 321	114,4	7 878	31,4	1 332	182,6
6.	Навоий вилояти	1 299	57,4	4 681	57,2	1 140	57,3
7.	Наманган вилояти	2 502	79,5	4 826	76,2	3 200	219,2
8.	Самарқанд вилояти	3 651	83,7	8 362	106,3	3 392	272,4
9.	Сурхондарё вилояти	5 538	107,1	3 688	63,5	1 817	127,5
10.	Сирдарё вилояти	2 523	36,3	3 444	36,9	1 288	72,0
11.	Тошкент вилояти	4 225	111,3	6 481	47,1	3 597	378,5
12.	Фарғона вилояти	5 219	84,6	8 896	62,4	2 646	250,4
13.	Хоразм вилояти	1 919	68,1	5 461	57,0	3 850	72,0
14.	Тошкент шаҳри	6 381	248,0	10 831	317,8	7 590	781,6
15.	Йирик солиқ тўловчи	464	4 355,3	1 018	3 565,1	423	1 776,2
ЖАМИ:		45 328	5 637,5	84 171	4 566,0	38 963	4 674,3

Эътибор қаратиладиган томони шундаки, 2021 йилда камерал солиқ текширувлари сони 2020 йилга нисбатан деярли бир баробар ортган

бўлса, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан камайганлигини кўриш мумкин.

2020-2022 йиллар давомида ўтказилган сайёр солиқ текширувлари таҳлили [18], млрд. сўм

№	Худудлар	2020 йил		2021 йил		2022 йил	
		Текширувлар сони	Ундирилган сумма	Текширувлар сони	Ундирилган сумма	Текширувлар сони	Ундирилган сумма
1.	Қорақалпоғистон Рес.	184	0,4	618	5,1	1 466	4,3
2.	Андижон вилояти	360	0,9	1 023	5,9	3 842	10,5
3.	Бухоро вилояти	266	0,6	1 052	6,5	3 591	11,2
4.	Жиззах вилояти	171	0,4	755	3,7	2 484	7,9
5.	Қашқадарё вилояти	294	0,7	1 175	8,3	5 007	14,4
6.	Навоий вилояти	207	0,5	498	5,2	3 893	11,3
7.	Наманган вилояти	282	0,7	1 028	5,6	3 112	10,9
8.	Самарқанд вилояти	572	1,4	875	9,5	5 565	16,9
9.	Сурхондарё вилояти	184	0,4	765	2,6	3 642	9,5
10.	Сирдарё вилояти	140	0,3	388	3,0	1 912	5,4
11.	Тошкент вилояти	306	0,7	1 430	5,2	6 623	20,4
12.	Фарғона вилояти	318	0,7	1 164	4,6	3 736	10,3
13.	Хоразм вилояти	270	0,6	866	7,9	3 027	10,4
14.	Тошкент шаҳри	762	1,9	3 710	12,0	24 057	83,1
ЖАМИ:		4 316	10,7	15 347	85,1	71 957	226,5

3-жадвалда 2020-2022 йиллар давомида ўтказилган сайёр солиқ текширувлари таҳлили келтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда ўтказилган сайёр солиқ текширувлари сони 4316 тани, 2021 йилда 15347 тани ва 2022 йилда эса 71957 тани ташкил этиб, мос равишда 10,7 млрд. сўм, 85,1 млрд. сўм ва 226,5 млрд. сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Эътиборлиси, сайёр солиқ текширувлари сони ва суммаси ҳам йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу солиқ тўловчилар то-

монидан солиқ мажбуриятларини бажармаслик ҳолатларида ўсиб бораётганлигини англатади.

4-жадвалда ўтказилган солиқ аудитлари сони келтирилган бўлиб, кўриш мумкинки, 2020 йилда солиқ аудити бўйича текширувлар ўтказилмаган. 2021 йилда 139 та солиқ аудити ўтказилган бўлса, қўшимча солиқ (пеня билан бирга) 622,64 млрд. сўм, ундирилгани 180,76 млрд. сўм, молиявий жарималар 67,18 млрд. сўм бўлиб, ундирилгани 13,45 млрд. сўмни ташкил этган.

2020-2022 йиллар давомида солиқ органлари томонидан ўтказилган солиқ аудитлари таҳлили [18], млрд. сўм

Номи	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2021 йилга нисбатан, фарқи (+/-)
Жами ўтказилган солиқ аудитлари сони	0	139	1157	1018
қўшимча солиқ (пеня билан бирга)	0	622,64	2507,92	1885,28
ундирилган	0	180,76	1054,46	873,7
молиявий жарима	0	67,18	911,63	844,45
ундирилган	0	13,45	159,57	146,12

2022 йилда солиқ аудитлари сони 1157 тани ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 1018 тага ортган, қўшимча солиқ 1885,28 млрд. сўмга (ундирилгани 873,7 млрд. сўм) ва молиявий жарима миқдори ҳам 844,45 млрд. сўмга (ундирилгани 146,12 млрд. сўм) ошганлигини кўриш мумкин. Шу ўринда солиқ аудитининг ўтказилиш тамойилларидан келиб чиқадиган бўлсак, солиқ тўловчиларнинг фаолиятларида кўплаб

жинойт фаолият мавжуд эканлиги ёки хуфиёна иқтисоднинг мавжудлигига ишора қилиб, бу маълумотларни янада чуқурроқ таҳлил қилишни талаб қилади. Қуйида келтирилган маълумотларимиз солиқ объектини яширган ҳолатлар аниқланган солиқ аудитлари, жиноят ишлари бўйича солиқ аудитлари ва бухгалтерия юритмаган корхоналарда солиқ аудитлари ўтказилганига оиддир (5-жадвал).

2020-2022 йилларда ўтказилган солиқ аудитининг натижалари таҳлили [18], млрд. сўм

Номи	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2022 йил 2021 йилга нисбатан, фарқи (+/-)
Солиқ объектини яширган ҳолатлар аниқланган аудитлар сони	1987	2885	2109	-776
жарима суммаси	1 528,62	2 554,73	2 175,61	-379,12
Жиноят ишлари бўйича аудитлар сони	1915	3469	3498	29
қўшимча солиқ (пеня билан бирга)	1429,51	2142,46	1602,84	-539,62
молиявий жарима	1522,26	2388,85	2119,19	-269,66
Бухгалтерия юритмаган корхоналарда (обнал ташкилотларда) ўтказилган аудитлар сони	358	1160	491	-669
жами ҳисобланган (қўшимча солиқ ва молиявий жарима)	1 599,85	3 659,88	1 352,13	-2307,75

5-жадвалда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддасида белгиланган солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) бўйича олиб борилган солиқ аудитлари сони 2020 йилда 1987 та, 2021 йилда 2885 та, 2022 йилда 2109 тани ташкил этиб, жарима суммаси мос равишда 1 528,62 млрд. сўм, 2 554,73 млрд. сўм ва 2 175,61 млрд. сўмни ташкил этган. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича аудитлар сони 2020 йилда 1915 та, 2021 йилда 3469 та, 2022 йилда 3498 тани ташкил этиб, қўшимча солиқ (пеня билан бирга) мос равишда 1429,51 млрд. сўм, 2142,46 млрд. сўм ва 1602,84 млрд. сўмни, молиявий жарималар эса 2020 йилда 1522,26 млрд. сўм, 2021 йилда 2388,85 млрд. сўм ва 2022 йилда эса 2119,19 млрд. сўмни ташкил этганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Яна бир ҳолат бухгалтерия юритмаган корхоналарда (пулларни нақд қилувчи ташкилотларда) ўтказилган аудитлар сони 2020 йилда 358 та, 2021 йилда 1160 та, 2022 йилда эса 491 тани ташкил этиб, жами ҳисобланган қўшимча солиқ ва молиявий жарима мос равишда

1 599,85 млрд. сўм, 3 659,88 млрд. сўм ва 1 352,13 млрд. сўмни ташкил этган.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида ўрганиб чиқилган барча ҳолатларда кўришимиз мумкинки, солиқ текширувлари ўтказилиб туриши керак, акс ҳолда, солиқ тўловчилар ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари, умуман, камаймасдан йилдан-йилга ошиб бораётганлиги кузатилади. Демак, солиқ назоратининг мақсади солиқ қонунчилигини бузиш фактларини аниқлаш, уларга чек қўйиш, солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг ишонччилигини таъминлаш, шунингдек, амалга оширилган операциялар ва ҳаракатларнинг қонунийлигини текшириш ҳамда солиқ тўловчиларни жавобгарликка тортишдан иборат деб ҳисоблайдиган бўлсак, юқоридаги ҳолатлар соҳанинг олдида мавжуд кўплаб муаммоларни юзага чиқармоқда.

Солиқ назорати ўтказишнинг барча солиқ тўловчилар ва солиқ органларига хос умумий афзалликлари бўлиб, уларга қуйидагилар ки- ради:

• солиқ назорати бухгалтерия ҳисоблари, даромадлар ва харажатларга оид бошқа барча ёзувларни тўғри юритишга ундайди. Яъни тадбиркор томонидан жами даромад ва чегирма тўғрисидаги даъволарнинг тўғри киритилиши таъминлашга асос бўлади;

• фирибгарлик амалиёти эҳтимолини чеклайди;

• солиқ органлари олдида ҳисоб-китобларни тўғри тақдим этишга ёрдам беради. У бухгалтерия ҳисоби тизимидаги камчиликларни аниқлайди ва уни яхшилаш бўйича таклифлар киритиш имконини беради;

• акциядорларга ҳисобварақлардаги кўрсаткичлар тўғри ва адолатли кўринишга эга эканлигига ишонч ҳосил қилишига асос ярата-

ди. Шунингдек, энг муҳими давлат бюджетига даромадларини шакллантирувчи солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотимиз солиқ имтиёзларининг самарадорлиги эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, “солиқ имтиёзларининг белгиланган доирадаги вазибалари амалга ошириляпти ёки солиқ тўловчи ўз имтиёзига мос ишларни қилмасдан, тақдим қилинган энгилликлардан унумли фойдаланмаяптими” деган масалада муаммоларни ўрганиш бизга муҳим тадқиқот предмети сифатида намоён бўлмоқда.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Голик Е.Н., Асатрян А.Г. Развитие налогового контроля и его воздействие на экономическую безопасность страны. // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 5 (108). 2019.
2. Адвокатова А.С. Налоговый контроль в условиях модификации отношений налоговых органов и налогоплательщиков. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2019. – 26 с.
3. Ефремова Т.А. Развитие налогового администрирования в России: теория, методология, практика. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. МГУ. Саранск, 2017. Стр. 366.
4. Налоговый кодекс Российской Федерации (часть первая) от 31.07.1998 N 146-ФЗ (ред. от 27.12.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.01.2020).
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2022.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-илоvasи – “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом”.
7. Гончаренко Л.И., Малкова Ю.В., Адвокатова А.С. Актуальные проблемы налоговой системы в условиях цифровой экономики. // Экономика. Право. 2018. № 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-problemy-nalogovoy-sistemy-v-usloviyah-tsifrovoy-ekonomiki>.
8. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнал. 2021. 3-сон. 367-377-б.
9. Назаров С.А. Ўзбекистонда солиқ текширувларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2023.
10. Филиппова Н.А., Макевнина Д.Ю. Налоговый контроль: специфика, роль, место и значение в системе государственного контроля. // Экономика и предпринимательство. – М., 2012. № 2. С. 24-30.
11. Акрамов Ф.А. Солиқ харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. 08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2022.
12. Шестакова Н.Н. Налоговые проверки в системе налогового контроля. // Социально-экономический и гуманитарный журнал. Красноярского ГАУ. 2018. № 1. С. 15-27.
13. Безруков Г.Г. Сущность налогов и налогового контроля. / Г.Г.Безруков, А.В.Козырев. // Известия УргЭУ. 2015. № 1 (57). С. 47-52.
14. James Egert, Karen Riley, Lucy Sauvage. Article: What is a Tax Control Framework and why do I need one? 2021. <https://www.bdo.co.uk/en-gb/insights/tax/tax-assurance-and-risk-management/what-is-a-tax-control-framework-and-why-do-i-need-one>
15. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли қонуни. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 170-моддаси.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарорига 2-илова. “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” низом.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сонли қарорига 1-илова. “Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида” низом.
18. Солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.
19. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлиладан фойдаланишни такомиллаштириш. // Экономика и образование. 2021. № 4. С. 172-176.
20. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. № 4. С. 190-196.
21. Isaev F.I. Tax Accounting: Theory and Practice. // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. 2022. Т. 9. № 12. С. 30-38.
22. Isaev F.I. Concept of economic analysis and its structural components. // International Journal of Marketing and Technology. 7.12 (2017): 1-13.
23. Isaev F.I. Analysis of the profit tax and its improvement. // International Journal of Research in Social Sciences. 7.12 (2017): 74-85.
24. Jumaev N.H., Rizaev N.K. & Isaev F.I. Organization of turkic states: interoperation and accounting system. // British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 2023, 13, 116–129. Retrieved from: <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
25. Исаев, Ф. (2023). Солиқ текширувлари: аудит самарадорлиги таҳлили. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 11(1), 394–401. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a42
26. Исаев, Ф. (2022). Йирик корхоналар мисолида солиқ йиғилувчанлиги кўрсаткичини таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш. Iqtisodiyot Va ta'lim, 24(1), 317–326. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/955>
27. Исаев Ф. Аудит самарадорлигининг назарий-амалий таҳлили // Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. – 2023. – С. 359-361.